

**INSTITUTIONAL FOUNDATIONS FOR FINANCING GREEN ECONOMY PROJECTS**

Asalkhon Allaberganova
Independent Researcher
Tashkent State University of Economics
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: green economy, green investments, green financing, green bonds, green loans, public-private partnerships.

Received: 03.05.26

Accepted: 04.05.26

Published: 05.05.26

Abstract: The article analyzes the institutional foundations of financing green economy projects, existing mechanisms in Uzbekistan and international experience. The importance of green loans, bonds, public-private partnerships is highlighted, and proposals for the development of the sector are developed. The study also considers issues of ensuring environmental sustainability and increasing investment efficiency.

**ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

Асалхон Аллаберганова
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, яшил инвестициялар, яшил молиялаштириш, яшил облигациялар, яшил кредитлар, давлат-хусусий шериклик.

Аннотация: Мақолада яшил иқтисодиёт лойиҳаларини молиялаштиришнинг институционал асослари, Ўзбекистондаги мавжуд механизмлар ва халқаро тажриба таҳлил қилинган. Яшил кредитлар, облигациялар, давлат-хусусий шерикликнинг аҳамияти ёритилиб, соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотда экологик барқарорликни таъминлаш ва инвестиция самарадорлигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилган.

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ПРОЕКТОВ ЗЕЛЁНОЙ
ЭКОНОМИКИ**

Асалхон Аллаберганова
Независимый исследователь

Ташкентского государственного экономического университета
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: «зеленая экономика», «зеленые» «зеленое» финансирование, облигации, «зеленые» государственно-частное партнерство.</p>	<p>Аннотация: В статье анализируются институциональные основы финансирования проектов «зеленой экономики», существующие механизмы в Узбекистане и международный опыт. Подчеркивается важность «зеленых» кредитов, облигаций, государственно-частного партнерства, а также разрабатываются предложения по развитию сектора. В исследовании также рассматриваются вопросы обеспечения экологической устойчивости и повышения эффективности инвестиций.</p>
---	---

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида иқлим ўзгариши, табиий ресурслар танқислиги ва экологик муаммоларнинг кучайиши “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этишни долзарб масалага айлантормоқда. БМТ маълумотларига кўра [5], глобал исиш жараёнларини чеклаш учун қайта тикланувчи энергия, энергия самарадорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш ва экологик тоза транспорт соҳаларига катта ҳажмда инвестициялар талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, яшил иқтисодиёт лойиҳаларини самарали молиялаштириш механизмларини шакллантириш ва унинг институционал асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича давлат сиёсати фаоллашиб, қуёш ва шамол энергетикаси, энергия тежамкор технологиялар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби йўналишларда қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси” мазкур соҳада институционал ислохотларни жадаллаштирди [1].

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда яшил иқтисодиёт лойиҳаларини молиялаштириш нафақат экологик, балки иқтисодий барқарорликнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади. Анъанавий иқтисодий моделнинг ресурсларга юқори даражада боғлиқлиги энергия хавфсизлиги ва экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида электр энергияси ишлаб чиқаришнинг катта қисми табиий газ ҳисобига тўғри келади. Бу эса карбон чиқиндиларининг ортишига сабаб бўлади. Шу боис қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, “яшил” инвестициялар улушини ошириш ва молиявий институтларнинг иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Яшил лойиҳаларни молиялаштиришнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- иқлим ўзгаришининг иқтисодий тармоқларига таъсири;
- энергия ресурсларига талабнинг ортиши;
- халқаро молия институтлари томонидан “яшил” инвестицияларга эътибор кучайиши;
- аҳоли фаровонлигини ошириш ва экологик барқарорликни таъминлаш зарурати.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Яшил иқтисодий ва уни молиялаштириш масалалари хорижий иқтисодчилардан Ж. Стиллиц, Н. Стерн, М. Портер, Э. Барбиер каби олимлар томонидан кенг ўрганилган. Улар яшил иқтисодий барқарор ривожланишнинг асосий йўналиши сифатида баҳолаганлар.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ҳам экологик инвестициялар, яшил облигациялар ва давлат-хусусий шериклик механизмлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Қ. Ҳакимов, Ш. Мустафақулов, Б. Беркинов [7, 8] ва бошқалар томонидан яшил иқтисодийга ўтиш, экологик сиёсат ва инвестиция фаоллиги масалалари таҳлил қилинган. Бироқ яшил иқтисодий лойиҳаларини молиялаштиришнинг институционал механизмлари ва уларнинг амалий самардорлиги етарлича комплекс ўрганилмаган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги глобал иқтисодий тараққиёт жараёнида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини камайтириш долзарб вазифага айланмоқда. Шу нуқтаи назардан “яшил иқтисодий” концепцияси дунё давлатлари иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида шаклланди. Яшил иқтисодий – бу иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга атроф-муҳит муҳофазаси, энергия самардорлиги ва ижтимоий фаровонликка эришишга қаратилган иқтисодий модел ҳисобланади. Ушбу моделни амалга оширишда эса яшил лойиҳаларни самарали молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда институционал асослар ҳал қилувчи ўрин тутди.

Яшил иқтисодий лойиҳаларини молиялаштиришнинг институционал асослари деганда давлат, молия институтлари, халқаро ташкилотлар, хусусий сектор ва ҳуқуқий механизмлар ўртасидаги ҳамкорлик тизими тушунилади. Бу институтлар яшил инвестицияларни жалб қилиш, маблағларни самарали тақсимлаш ва экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш вазифаларини бажаради.

Аввало, давлат институционал тизимнинг асосий субъекти ҳисобланади. Давлат яшил иқтисодий ривожлантириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқади, ҳуқуқий базани яратади ҳамда иқтисодий рағбатлантириш механизмларини жорий этади. Масалан, қайта тикланувчи энергия манбаларига инвестиция киритган тадбиркорларга солиқ

имтиёзлари бериш, субсидиялар ажратиш ёки имтиёзли кредитлар тақдим этиш каби чоралар яшил лойиҳаларни рағбатлантиради. Шунингдек, давлат экологик стандартлар ва “яшил” сертификатлаш тизимини жорий қилиш орқали инвесторлар ишончини мустаҳкамлайди.

Институционал асосларнинг яна бир муҳим элементи – молия институтларидир. Тижорат банклари, инвестиция фондлари, суғурта компаниялари ва миллий тараққиёт банклари яшил лойиҳаларни молиялаштиришда асосий воситачи вазифасини бажаради. Сўнгги йилларда “яшил кредит”, “яшил облигация” ва “барқарор молиялаштириш” каби молиявий инструментлар кенг қўлланилмоқда. Айниқса, яшил облигациялар экологик лойиҳалар учун узоқ муддатли маблағ жалб қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Ушбу облигациялар орқали жалб қилинган маблағлар қуёш ва шамол электр станциялари, энергия тежовчи технологиялар, чиқиндиларни қайта ишлаш ёки сув ресурсларини муҳофаза қилиш каби лойиҳаларга йўналтирилади.

Халқаро молия институтлари ҳам яшил иқтисодиётни молиялаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, World Bank, Asian Development Bank, International Monetary Fund ва Green Climate Fund каби ташкилотлар ривожланаётган давлатларда экологик барқарорликни таъминлаш учун грантлар, имтиёзли кредитлар ва техник ёрдам кўрсатади. Бу ташкилотлар нафақат молиявий ресурслар, балки илғор тажриба ва инновацион бошқарув усулларини ҳам тақдим этади [2, 3, 5].

Яшил иқтисодиётни молиялаштиришда хусусий сектор иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки давлат маблағлари барча экологик муаммоларни ҳал қилиш учун етарли эмас. Шу сабабли давлат-хусусий шериклик (PPP) механизмлари кенг қўлланилмоқда. Бундай ҳамкорлик орқали инфратузилма, энергия ва экология соҳасидаги йирик лойиҳалар амалга оширилади. Хусусий инвесторларни жалб қилиш учун эса институционал муҳитнинг барқарорлиги, ҳуқуқий кафолатлар ва шаффофлик муҳим омил ҳисобланади.

Институционал асосларнинг яна бир таркибий қисми – ҳуқуқий ва меъёрий база ҳисобланади. Яшил иқтисодиёт лойиҳаларини самарали молиялаштириш учун аниқ қонунчилик механизми мавжуд бўлиши керак. Масалан, “яшил инвестициялар тўғрисида”ги қонунлар, экологик аудит тизими, карбон чиқиндиларини чеклаш сиёсати ва ESG (Environmental, Social, Governance) стандартлари инвесторлар учун муҳим ҳуқуқий асос яратади. ESG тамойиллари компанияларнинг экологик ва ижтимоий масъулиятини баҳолашда муҳим мезонга айланиб бормоқда [4].

Бундан ташқари, институционал инфратузилманинг рақамли технологиялар билан уйғунлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий ахборот платформалари, “яшил” рейтинг тизимлари ва электрон мониторинг механизмлари молиявий ресурсларнинг мақсадли

сарфланишини таъминлайди. Бу эса коррупция хавфини камайтириб, инвестиция самарадорлигини оширади.

Ўзбекистонда ҳам яшил иқтисодий ривожлантириш ва уни молиялаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергия самарадорлигини ошириш ва экологик барқарорликни таъминлаш бўйича давлат дастурлари қабул қилинган. Хусусан, қуёш ва шамол электр станцияларини қуришга хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Бу жараёнда халқаро молия институтлари ва хусусий инвесторлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда яшил молиялаштириш бозорини шакллантириш учун институционал ислохотларни янада чуқурлаштириш талаб этилади. Жумладан, яшил облигациялар бозорини ривожлантириш, тижорат банкларида яшил кредитлаш механизмларини кенгайтириш ва ESG стандартларини миллий молия тизимига жорий қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида экологик маданият ва “яшил” инвестициялар аҳамияти ҳақида тушунчани кенгайтириш зарур.

Яшил иқтисодий молиялаштиришнинг институционал асослари.

Яшил иқтисодий лойиҳаларини молиялаштиришда қуйидаги институционал субъектлар муҳим ўрин тутди:

1. Давлат молия институтлари;
2. Тижорат банклари;
3. Халқаро молия ташкилотлари;
4. Инвестиция фондлари;
5. Суғурта компаниялари;
6. Давлат-хусусий шериклик механизмлари.


Ўзбекистонда яшил молиялаштиришнинг институционал асослари асосан давлат сиёсати ва халқаро молия институтлари иштирокида шаклланимоқда.

Жадвал 1

Ўзбекистонда яшил иқтисодий молиялаштирувчи асосий институтлар

Институтлар	Асосий вазифаси
Иқтисодий ва молия вазирлиги	Давлат дастурларини молиялаштириш
Тижорат банклари	Яшил кредитлар ажратиш
Осиё тараққиёт банки	Инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш
Жаҳон банки	Энергетика ва экология лойиҳалари
Тикланиш ва экологик фондлар	Экологик ташаббусларни рағбатлантириш

Сўнги йилларда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия соҳасига жалб қилинган инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда.



1-расм. Ўзбекистонда яшил энергетика лойиҳаларига инвестициялар динамикаси (млрд. доллар)

Диаграммадан кўришиб турибдики, яшил энергетика соҳасига инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу эса мамлакатда қайта тикланувчи энергия бозорининг ривожланаётганлигини кўрсатади.

Яшил молиялаштиришнинг асосий механизмлари

Ўзбекистонда қуйидаги молиявий инструментлардан фойдаланилмоқда:

1. Яшил кредитлар. Тижорат банклари томонидан энергия тежамкор технологиялар учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

2. Яшил облигациялар. Яшил облигациялар экологик лойиҳаларни молиялаштиришда муҳим манба ҳисобланади. Ўзбекистонда мазкур механизмни жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

3. Давлат-хусусий шериклик. Қуёш ва шамол электр станцияларини қуришда хусусий сектор фаол иштирок этмоқда.

4. Халқаро грант ва кредитлар. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.

Муаммолар таҳлили. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда яшил иқтисодий молиялаштиришда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- яшил молия бозорининг ривожланмаганлиги;
- хусусий инвесторлар фаоллигининг пастлиги;
- яшил облигациялар бозорининг етарли шаклланмаганлиги;
- экологик рискларни баҳолаш механизмларининг такомиллашмаганлиги;
- малакали кадрлар етишмаслиги.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, яшил иқтисодиёт лойиҳаларини самарали молиялаштириш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Яшил молия бозорини ривожлантириш;
2. Яшил облигациялар чиқариш амалиётини кенгайтириш;
3. Тижорат банкларида яшил кредит портфелини ошириш;
4. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш;
5. Экологик лойиҳалар учун солиқ имтиёзларини жорий этиш;
6. Яшил инвестициялар мониторинги тизимини яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, яшил иқтисодиётни молиялаштиришнинг мустаҳкам институционал асосларини шакллантириш Ўзбекистоннинг экологик ва иқтисодий барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019–2030 йилларда яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси.
2. Барбиер Э. Green Economy and Sustainable Development. London, 2018.
3. Stern N. The Economics of Climate Change. Cambridge University Press, 2007.
4. World Bank. Climate and Development Report, 2023.
5. Asian Development Bank. Uzbekistan Energy Outlook, 2022.
6. UNEP. Green Economy Report, 2021.
7. Мустафақулов Ш. “Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш истиқболлари”. – Т.: Иқтисодиёт, 2022.
8. Ҳакимов Қ. “Экологик инвестициялар самарадорлиги”. – Тошкент, 2021.